



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 101 (13.698)

Баҳоси эркин нарҳда

ҲАР БИР ТАРМОҚ ВА ҲУДУДДА ИЖРО ИНТИЗОМИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, РАҲБАРЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТИ ВА ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ – ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 29 май куни экспорт-импорт, маҳаллий бюджетга қўшимча тушумларни таъминлаш, қишлоқ хўжалигида ғўза парвариши, ғалла ўрими, такрорий экинлар ва сувдан оқилона фойдаланиш каби муҳим тадбирларни самарали ўтказиш билан боғлиқ бугунги кунда ғоят долзарб бўлиб турган масалаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Олий Мажлис палаталари раҳбарлари, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддилари, видеоселектор орқали Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғорги Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари иштирок этди.

Бугунги кунда иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини оширишда қишлоқ хўжалиги соҳасининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Мазкур тармоқда 3,6 миллиондан зиёд киши меҳнат қилмоқда, соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши изчил ошиб бормоқда.

Шунинг учун ҳам 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланиб, бу борада аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси пировардида халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш, қишлоқ жойларга саноатнинг жадал кириб бориши ва янги иш ўринлари очиш учун аграр сектор имкониятларидан самарали фойдаланиш борасида кенг имконият яратди.

Ўтган бир ярим йил мобайнида экспортни рағбатлантириш ва бунинг учун зарур қулайлик ва имтиёзлар яратиш бўйича қабул қилинган фармон ва қарорлар ижроси доирасида жорий этилаётган янгилар, тармоқлар ҳамда ҳудудлардаги мавжуд экспорт салоҳиятини тўлиқ ишга солиш бўйича қўрилатган амалий чоралар натижасида экспорт ҳажми ошмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 25 майга қадар 4 миллиондан 576 миллион доллар ҳажмида экспорт амалга оширилган. Шу оғиринг охиригача белгиланган прогноз кўрсаткичлари баҳариланди. 2017 йилнинг 5 ойига солиштирилганда, экспорт ҳажми қарийб 21 фоизга ўсиши кутилмоқда.

Шунингдек, биринчи ярим йилликда 5 миллиард 886 миллион долларлик экспорт амалга оширилиб, прогноз кўрсаткичлари 100,9 фоиз баҳарилиши ва 2017 йилнинг биринчи ярим йиллигига нисбатан 25 фоиз ўсишга эришиш мўлжалланмоқда.

Давлатимиз раҳбари йиғилиш иштирокчилари эътиборини ана шундай ижобий натижаларга қаратган экан, айни вақтда улар мавжуд имконият ва салоҳиятга нисбатан анча пастлигини таъкидлади. Айрим тармоқ ва ҳудудлар раҳбарлари бу борада ўз масъулиятини етарли даражада ҳис этмаётгани, бу эса экспорт ҳажминини кўпайтириш бўйича резервлар тўлиқ ишга солинмаслигига сабаб бўлаётгани кўрсатиб ўтилди.

Йиғилиш кун тартибидagi масалалар Вазирлар Маҳкамаси комплекслари бўйича атрофлича танқидий таҳлил қилиниб, бу борада амалга оширилган энг муҳим вазифалар белгилаб олинди. Четга маҳсулот ва хизматларни экспорт қилиш бўйича жорий йилнинг ўтган даврида белгиланган режаларни баҳармаган республика ташкилот ва корхоналари, ҳудудлар фаолиятини танқидий таҳлил қилиш, қоқоқликнинг сабаб ва оқибатларини аниқлаб, уларни тезда бартараф этиш юзасидан мутасадди раҳбарларга тегишли топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

Селектор йиғилишида мамлакатимизда импортни оптималлаштириш ишлари мутлақо қониқарсиз аҳволда экани қайд этилди. Жорий йилнинг 4 ойи мобайнида мамлакатимиз бўйича товарлар импорти 4 миллиард 858 миллион долларни ташкил этиб, 2017 йилнинг шу давридагига нисбатан 1 миллиард 111 миллион долларга ёки 30 фоизга ошган. Бундай ҳолатга сабаб бўлган омиллар асосан импорт таркибини ўрганиш ва импортни оптималлаштириш бўйича ишлар етарли даражада ташкил этилмагани, январь-апрель ойларида комплекслар таркибига кирадиган корхоналар томонидан юртимизда ишлаб чиқариш ўзлаштирилган товарларни харид қилиш ўрнига, четдан шу турдаги 89 миллион долларлик маҳсулот импорт қилингани билан боғлиқ экани айтиб ўтилди.

Ана шундай камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш ва олдини олиш юзасидан масъул шахсларга аниқ кўрсатма ва топшириқлар берилди. Йиғилишда бу йил мамлакатимизда ёгингарилик нисбатан кам бўлгани, оқибатда аксарият ҳудудларда сув танқислиги юзасига келгани, бундай ҳолат сувдан унумли фойдаланишни тақозо этиши алоҳида таъкидланди.

Шу мақсадда шולי экиладиган майдонларни 162 минг гектардан 94 минг гектарга қисқартириш, сув таъминотида муаммо бўлмаган Сирдарё вилоятидаги 7,5 минг гектар ерни Хоразм вилояти фермерларига, Жиззах вилоятидаги 5,5 минг гектар ерни Қорақалпоғистон фермерларига такрорий экин сифатида шולי экиш учун бериш зарурлиги қайд этилди.

Сув танқислиги қўлатётган Қашқадарё вилоятида такрорий экин майдонлари 30 минг гектарга, Самарқанд вилоятида 42 минг гектарга, Бухоро вилоятида 20 минг гектарга, Навоий вилоятида 14 минг гектарга ва Қорақалпоғистонда 10 минг гектарга қамайтирилиши маълум қилинди. Ушбу ҳудудларда сувни ҳам талаб этадиган мош, ловия ва бошқа озуқабоп экинлар экиш, уларни сув манбаларига яқин ер майдонларига жойлаштириш кераклигига эътибор қаратилди. Ана шу ишларни ўз вақтида, самарали ташкил этиш юзасидан тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларига аниқ топшириқлар берилди.

Видеоселектор йиғилишида юртимизда бу йил баҳорнинг салқин ва қуруқ келиши пахта етиштиришда жиддий муаммоларни келтириб чиқараётгани, натижада ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ғўза ривожланиши анча орқда қолаётгани, бу эса унинг парваришига жиддий эътибор қаратишни тақозо этиши ҳақида ҳам атрофлича фикр юритилди. Айниқса, бундай оғир шартнома култиваторлардан юқори даражада самарали фойдаланиш, туپроқни чуқур юмшатиш, майда қоқик қилиш, қишлоқ хўжалиги зараркундларига қарши курашиш ва назорат ишларига ўта масъулият билан ёндашишни талаб этиши қайд этилди.

Шунингдек, бу йил пахта етиштиришнинг молиялаштириш бўйича мутлақо янги тизим яратиш, агротехник тадбирларни вақтида ва сифатли амалга ошириш учун техник воситалар тайёрлигини ҳамда уларни мунтазам равишда дизель ёнгилгиси билан таъминлаш ишларини ташкил этиш юзасидан мутасадди раҳбарларга тегишли топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

Видеоселектор йиғилишида юртимизда бу йил баҳорнинг салқин ва қуруқ келиши пахта етиштиришда жиддий муаммоларни келтириб чиқараётгани, натижада ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ғўза ривожланиши анча орқда қолаётгани, бу эса унинг парваришига жиддий эътибор қаратишни тақозо этиши ҳақида ҳам атрофлича фикр юритилди. Айниқса, бундай оғир шартнома култиваторлардан юқори даражада самарали фойдаланиш, туپроқни чуқур юмшатиш, майда қоқик қилиш, қишлоқ хўжалиги зараркундларига қарши курашиш ва назорат ишларига ўта масъулият билан ёндашишни талаб этиши қайд этилди.

Шунингдек, бу йил пахта етиштиришнинг молиялаштириш бўйича мутлақо янги тизим яратиш, агротехник тадбирларни вақтида ва сифатли амалга ошириш учун техник воситалар тайёрлигини ҳамда уларни мунтазам равишда дизель ёнгилгиси билан таъминлаш ишларини ташкил этиш юзасидан мутасадди раҳбарларга тегишли топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

Видеоселектор йиғилишида юртимизда бу йил баҳорнинг салқин ва қуруқ келиши пахта етиштиришда жиддий муаммоларни келтириб чиқараётгани, натижада ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ғўза ривожланиши анча орқда қолаётгани, бу эса унинг парваришига жиддий эътибор қаратишни тақозо этиши ҳақида ҳам атрофлича фикр юритилди. Айниқса, бундай оғир шартнома култиваторлардан юқори даражада самарали фойдаланиш, туپроқни чуқур юмшатиш, майда қоқик қилиш, қишлоқ хўжалиги зараркундларига қарши курашиш ва назорат ишларига ўта масъулият билан ёндашишни талаб этиши қайд этилди.

Сидан тегишли вазирлик, идора ва ҳудудлар раҳбарларига топшириқлар берилди.

Йиғилишда мамлакатимизда 1 июндан 1 июлгача “Ўзада қафолатли ҳосил яратиш зарбдор ойлиги” эълон қилиниши бўйича келишиб олинди. Катта меҳнат ва харажат билан етиштирилган ҳосилни тўла сақлаб қолиш мақсадида фермер хўжаликлари раҳбарлари ва ишчилари қишлоқ хўжалиги ходимлари ва мутасаддиларининг сувчи ва механизаторлар, аграр соҳа олимлари ва агрономлар билан биргаликда барча бўғиндаги депутатларнинг ҳам сафарбарлиги ва масъулиятини оширишга алоҳида аҳамият қаратилди.

Кун тартибидagi яна бир муҳим масала – жорий йилда етиштириладиган ғалла ҳосилини нестобуд қилмасдан, қиска муддатда йиғиштириб олиш борасида амалга оширилиши зарур бўлган ишлар ҳам муҳокама қилинди.

Мамлакатимиз бўйича бу йилги ғалла ўрим-йигим мавсумида қатнашадиган мавжуд 3 минг 106 та юқори унумли ғалла ўриш комбайнларини сифатли таъмирлаш ва тайёрлаш учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Бундан ташқари, 400 та янги ғалла ўриш комбайни жойларга етказилмоқда. Улар ўрим-йигим ишларини ҳар йилгига нисбатан бир ҳафта олдин якунлаш имконини беради. Бунинг учун жойларда ғалла ўрим-йигими отрядларини тўзиб, уларга комбайн, дон ташиш техникаси, қўйма таъмирлаш устаноналари ва ёнгил қўйиш агрегатларини бириктириб, ўрим-йигим ишларини график асосида ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Вазирлар Маҳкамасига тез кунларда жорий йилдаги ғалла ўрим-йигими билан боғлиқ барча ташкилий масалаларни ўз ичига олган қарор лойиҳасини киритиш вазифаси топширилди.

Мажлисида ҳудудларда бюджетга қўшимча даромадларни жалб қилиш борасида олиб борилаётган ишларнинг ҳолати танқидий таҳлил асосида қўриб чиқилди. Бу борада жорий йилнинг шу даври учун белгиланган режалар айрим ҳудудларда баҳарилмасдан қолаётгани танқид қилинди. Натижада шу ҳудудларда солиқ қарздорлиги ошиб бормоқда.

Жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар, секторлар раҳбарлари ҳанузгача бюджетга қўшимча даромад манбаларини аниқлаш ва жалб қилишдан қўзланган мақсадни чуқур тушуниб етмаётгани айтиб ўтилди. Бу борада молия ташкилотлари томонидан қўшимча даромад манбаларини аниқлаш бўйича ўрганишлар ўтказилмаётгани, фаолият кўрсатмаётган юридик шахслар фаолиятини қайта тиклаш ўрнига фақатгина уларни текшириб, фаолиятини тугатиш билан чекланаётгани асосий сабаблар сифатида қайд этилди. Ҳар бир тармоқ ва ҳудудда ижро интизомини мустаҳкамлаш, раҳбарларнинг масъулияти ва фаолият самарадорлигини ошириш энг муҳим вазифа бўлиб қолаётгани алоҳида таъкидланди.

Мажлисида сўзга чиққанлар Президентимиз томонидан билдирилган чуқур танқидий фикрлар асосида, соҳадаги мавжуд камчилик ва муаммоларни тезда бартараф этиш, белгиланган топшириқ ва режаларни вақтида ва самарали баҳарил бўйича амалий фикр ва тақлифлар билдирдилар.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРГА МЕХАНИЗАЦИЯ ВА СЕРВИС ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигининг тезкор ривожланиши ва мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш имконини бериш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга механизация ва сервис хизматларини кўрсатиш тизимини тақомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

2016 йилда қишлоқ хўжалик техникасини ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва сервис хизмати кўрсатиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга механизация хизматлари кўрсатишнинг ягона ўзаро боғланган тизимининг яратилиши қишлоқ хўжалиги корхоналари, “Ўзгросервис” АЖ ташкилотларининг сервис корхоналари ва машина-трактор паркларини қайта жиҳозлашни таъминлаш имконини берди.

Шу билан бирга, мазкур соҳада ўтказилган таҳлиллар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга механизация ва сервис хизматларини кўрсатиш тизимида қатор тизимли муаммолар сақланиб қолаётганини кўрсатди. Улар қаторида:

биринчи, “Ўзгросервис” АЖ ва улар таркибидagi корхоналарнинг, хусусан, машина-трактор паркларининг якуний молиявий кўрсаткичлари ва фаолиятининг самарасиз ташкил этилганлиги мазкур ташкилотлар фаолияти ва бошқарув тизимини тақомиллаштириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоралар қўрилиши талаб этмоқда;

иккинчи, тадбиркорлик субъектларининг машина-трактор паркларини фаолиятига жалб этилма-

ганлиги уларни ривожлантириш ва модернизация қилиш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда;

учинчи, яқка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан механизация ва сервис хизматларини кўрсатишлари борасидаги чекловлар мазкур хизматлар бозорининг тезкор ривожланишига ва қишлоқ хўжалиги ерларининг зарур техника билан кенг қамраб олинишига тўсқинлик қилмоқда;

тўртинчи, механизация ва сервис хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил этишда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари манфаатдорлигининг паст даражадалиги уларнинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда;

бешинчи, айрим мансабдор шахсларнинг механизация ва сервис хизматлари кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашилари хусусий мулк дахлсизлигининг қафолатлари бузилишига ва мазкур фаолиятни амалга оширишнинг жозибадорлиги пасайишига олиб келмоқда;

олтинчи, агротехник ишларни ташкил этишда алоҳида ёндашувнинг мавжуд эмаслиги, жумладан, ҳудудларнинг ўзига хослигидан келиб чиқмаслиги, шунингдек, ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда механизация хизматлари кўрсатиш соҳасида давлат молиявий қўмағининг мавжуд эмаслиги машина-трактор парклариди сезиларли даражада қарздорликлар пайдо бўлишининг асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда;

(Давоми 2-бетда)

ШҲТ САММИТИГА ТАЙЁРГАНА ҚИЗГИН

Жорий йилнинг 9-10 июнь кунлари Хитой Халқ Республикасининг Циндао шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги саммити бўлиб ўтади. 29 май куни Тошкентда ушбу йиррик тадбирга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Қозғоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси, Хиндистон Республикаси, Покистон Ислам Республикасининг мамлакатимиздаги элчихоналари ҳамда ШҲТ Минтақавий аксил-террор тузилмаси Ижроия қўмитаси вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг нуфузи тобора юксалаётгани, аъзо давлатларининг сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги ўзаро манфаатли алоқалари ривожланиб, терроризм, диний экстремизм, айирмачилик, наркотик моддалар ва қурол-ярғоқ контрабандага қарши курашиш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш борасидаги ҳамкорлиги мустаҳкамланиб бораётгани таъкидланди.

ХХРнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Цзянь Янь хоним Циндао саммитига Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин раислик қилиши, олий даражадаги ўчрашувга ШҲТга аъзо ва қузатувчи давлатлар раҳбарлари, халқаро ташкилотлар вакиллари тақлиф этилганини таъкидлаб, унда ШҲТнинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари, ҳар томонлама ҳамкорлик, қатор халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашиш режалаштирилётганини қайд этди.

Унинг сўзларига кўра, Циндао саммити доирасида ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан икки томонлама ўчрашув режалаштирилмоқда. Саммит якунида Циндао декларацияси, хавфсизликнинг таъминлаш, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда ҳамкорлик бўйича йиғирмага яқин ҳужжат имзоланиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги ўринбосари А.Абдувоҳидов ХХР ШҲТга раислик доирасида самарали муваффақиятлар иш юритгани, сўнгги бир йилда аъзо давлатларнинг турли вазирлик ва идоралари раҳбарлари иштирокчи юздан зиёд тадбир ташкил этилгани, Ўзбекистон вакиллари уларнинг барчасида фол қатнашганини таъкидлади. Ўзбекистон ташқи сиёсат маҳамаси саммитга тайёргарлик билан боғлиқ масалаларни тезкор ҳал этишда ХХР ҳамда ШҲТга аъзо бошқа давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари вакиллари билан юздан ҳамкорлик қилаётганини билдирди.

Тадбирда навбатдаги саммит ШҲТни ривожлантириш бўйича аниқ режаларни белгилаб олиш, қатор соҳалардаги кўп томонлама ҳамкорликни янада юқори босқинга олиб чиқиш учун улкан имкониятлар яратиши қайд этилди.

Ў.А.



• Фарғонада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенеші ўртасида ҳамкорлик бўйича парламентларо комиссиянинг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

• Жиззах вилояти Фориш тумани Хонбанди шаҳарчасида ҳам “Обод қишлоқ” дастури асосида ободонлаштириш ишлари бошланди. Туман ҳокимлиги томонидан ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ, йиллар давомида тўпланиб қолган муаммолар бартараф этилиб, шаҳарчани ободонлаштириш ишлари бошланди. Биринчи навбатда кўп қаватли 14 та уй, шунинг-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҚСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРГА
МЕХАНИЗАЦИЯ ВА СЕРВИС ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Эттинчи, қишлоқ хўжалик техникаси ва унинг эҳтиёт қисм-ларига бўлган нархларни оптималлаштириш, шунингдек, ўзаро манфаатдорлик шартлари асосида мамлакатга янги илғор ишлаб чиқарувчиларни жалб қилиш борасидаги иш-ларнинг лозим даражада амалга оширилмаганини меҳани-зация ва сервис хизматлари бозорининг ривожланишига тўқинлик қилмоқда, қишлоқ хўжалиги мақсулотлари иш-лаб чиқарувчиларнинг норозилигини келтириб чиқармоқ-да ва машина-трактор парклари фаолиятининг самарадор-лигини пасайтирмоқда.

Қишлоқ хўжалик техникасидан фойдаланиш самарадор-лигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги мақсулотлари ишлаб чиқарувчиларга кўрсатилаётган меҳанизация ва сервис хиз-матлари кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш мақсади-да:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбоса-ри — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи савдо фаолиятини, экспорт салоҳиятини, машина-созлик, автомобиль, электротехника, мудофаа, пахтани қайта ишлаш саноатини, энгил саноатни ривожлантириш, мақсу-лотларни стандартлаштириш масалалари комплекси раҳба-рига (Н.С.Отанов) Ўзбекистон Республикаси Президентини 2016 йил 17 ноябрдаги ПҚ-2658-сон “Ўзгортехсано-атхолдинг” акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори 7-бандининг “Авто-саноат Агротехсервис” МЧЖ ва “Ўзгортехсервис” АЖ машина-трактор парклари тизимини оптималлаштириш қисми бажа-рилмаганини қатъий кўрсатиб ўтилсин.

“Ўзгортехсервис” АЖ “Ўзавтосаноат” АЖ ва “Агробанк” АТБ билан биргаликда икки ой мuddатда “Автосаноат Агротех-сервис” МЧЖ ва “Ўзгортехсервис” АЖ машина-трактор пар-клари тизимини оптималлаштириш бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳма-сига киритсин ва оптималлаштиришнинг барча жараёнла-рини 2018 йилнинг 1 октябрга қадар якунласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Мо-лия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Хусусийлаш-тирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривож-лантириш давлат қўмитаси, “Ўзгортехсаноатхолдинг” АЖ, “Ўзавтосаноат” АЖнинг:

2018 йил 1 июлдан “Ўзгортехсервис” АЖни “Ўзгортехса-ноатхолдинг” АЖ ташкилий тузилмасидан чиқариш;

“Ўзгортехсервис” АЖ устив жамғармасидаги “Ўзгортехса-ноатхолдинг” АЖга тегишли бўлган улушни “Ўзгортехса-ноатхолдинг” АЖ устив жамғармасини ўтказиладиган улу-шнинг баланс қийматига қамайтирган ҳолда давлат тасарру-фига ўтказиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхо-наларга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси “Ўзгортехсаноатхолдинг” АЖ ва “Ўзгортехсервис” АЖ билан ҳамкорликда икки ой мuddатда “Ўзгортехсервис” АЖни “Ўзгортехсаноатхолдинг” АЖнинг ташкилий тузил-масидан чиқариш билан боғлиқ барча ташкилий чора-тад-бирлар қўрилишини таъминласин.

4. Махфий.

5. “Ўзгортехсервис” АЖ Кузатув кенгаши таркиби 1-илова-га мувофиқ маъқуллансин.

Белгилансинки:

“Ўзгортехсервис” АЖ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи савдо фаолиятини, экспорт салоҳия-тини, машинасозлик, автомобиль, электротехника, мудо-фаа, пахтани қайта ишлаш саноатини, энгил саноатни ри-вожлантириш, мақсулотларни стандартлаштириш масала-лари комплекси таркибига қиради;

“Ўзгортехсервис” АЖ бош директори жамият акциядорла-рининг умумий йиғилиши томонидан сайланади, Ўзбеки-стон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавози-мига тасдиқланади ва мақомига кўра вазирга тенглаштири-лади;

“Ўзгортехсервис” АЖ бош директори ўринбосарлари жа-миятининг Кузатув кенгаши томонидан сайланади, Ўзбеки-стон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавози-мига тасдиқланади ва мақомига кўра вазир ўринбосарига тенглаштирилади.

6. “Ўзгортехсервис” АЖ икки ой мuddатда:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, ви-лоят ҳокимликлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Хусу-сийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда “Ўзгорт-ехсервис” АЖ ташкилотларининг бўш турган ва фойдаланил-маётган бинолари ва ишносларини тўлиқ хатловдан ўтказ-син ҳамда уларни ташкилотларнинг Ўзбекистон Респуб-ликасининг Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармала-ри олдидagi қарздорликларини тегишли равишда қамай-тирган ҳолда баланс қиймати бўйича маҳаллий давлат ҳо-кимияти органларига ўтказиш тўғрисида Ўзбекистон Респуб-ликаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин;

“Ўзгортехсаноатхолдинг” АЖ, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, тижорат банклари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-га машина-трактор паркларининг “Ўзгортехсаноатхол-динг” АЖ ва унинг таркибига кирувчи ташкилотлар кафил-лигида тақдим этилган кредитлари бўйича мажбурият таъ-минотини (кафиллик, мол-мулк гарови) алмаштириш тўғри-сида тақлифлар киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирли-ги, Молия вазирлиги, “Ўзгортехсервис” АЖ, Қорақалпоғистон

Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари-нинг 2018 йил 1 ноябрдан қўйидагилар орқали машина-трактор паркларино бошқаришнинг энг самарали шаклини танлаш бўйича эксперимент (кейинги ўринларда — экс-перимент) ўтказиш тўғрисидаги тақлифига розилик билдирил-син;

“Ўзгортехсервис” АЖнинг 2-иловага мувофиқ 26 та маши-на-трактор паркин тадбиркорлик субъектларига сотиш;

“Ўзгортехсервис” АЖнинг 3-иловага мувофиқ 3 та маши-на-трактор паркин давлат унитар корхоналарига (кейинги ўринларда — “Туман МТП” ДУК) айлантириш.

8. Белгилансинки:

а) “Ўзгортехсервис” АЖ машина-трактор паркларино сотиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимлари томонидан 2018 йил 31 декабрга қўйидагилар орқали таъминланади;

баҳолаш бўйича ишлар қаражатларини тегишли машина-трактор парклари маблағлари ҳисобидан қўлаган ҳолда машина-трактор паркларининг мулки ва мулк қўқуқларни баҳолаш;

бир ёки бир неча тадбиркорлик субъектлари томонидан тегишли машина-трактор паркларининг устив жамғармаси-даги таъсисчи улушини эллик бир фоиздан юз фоизгача бозор нархида сотиб олиш бўйича энг яхши тақлифлар танловини эълон қилиш ва ўтказиш;

машина-трактор паркларининг устив жамғармасидаги юз фоиз улуш сотиб олинган вақтдан бошлаб икки йил даво-мида ташкилий-хуқуқий шакл ва асосий фаолият турини (меҳанизация ва сервис хизматлари кўрсатиш) сақлаб қолиш шарти билан “Ўзгортехсервис” АЖ ва тадбиркорлик субъект-лари ўртасида тегишли шартнома тузиш;

машина-трактор паркларининг устив жамғармаларидаги таъсисчи улушини сотишдан келиб тушган барча маблаг-ларини “Ўзгортехсервис” АЖ ташкилотларининг қарздорлик-ларини қўлашга йўналтириш;

б) таъсисчининг тегишли машина-трактор паркларининг устив жамғармаларидаги улушини баҳолаш қиймати бўйича сотиш имкони бўлмаган тақдирда, “Ўзгортехсервис” АЖ со-тишга қўйилган активларнинг нархларини Ўзбекистон Рес-публикаси Президентининг 2014 йил 3 июлдаги ПҚ-2200-сон “Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан назарда тутилган тар-тибда босқимча-босқич пасайтириш механизминини қўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли;

в) “Ўзгортехсервис” АЖ машина-трактор паркларино “Туман МТП” ДУКга айлантириш тегишли вилоятлар ҳокимлик-лари томонидан 2018 йилнинг 31 декабрга қўйидагилар орқали таъминланади;

машина-трактор паркларининг устив жамғармаларидаги улушини кейинчаликда уларни “Туман МТП” ДУКга айлан-тирган ҳолда тегишли туман ҳокимликларига баланс қийма-ти бўйича ўтказиш;

“Ўзгортехсервис” АЖ устив жамғармасидаги давлат улу-шини туман ҳокимликларида ўтказиладиган улушнинг балан-с қийматига қамайтириш;

тегишли туман ҳокимликлари томонидан “Туман МТП” ДУК устивларини тасдиқлаш, шунингдек, уларни малакали кадрлар билан тўлдиртиш;

г) тадбиркорлик субъектларига сотилган машина-трактор парклари, шунингдек, “Туман МТП” ДУК тегишлича “Ўзг-ортехсервис” АЖнинг сотиладиган ва қайта ташкил этиладиган машина-трактор паркларининг барча ҳуқуқлари ва мажбу-риятлари бўйича ҳуқуқий ворислари ҳисобланади;

д) тегишли туман ҳокимлиги “Туман МТП” ДУКнинг таъ-сисчиси ҳисобланади ва мазкур корхонанинг мулки етарли бўлмаган ҳолларда унинг мажбуриятлари бўйича субсидия тарзда жавобгар бўлади;

е) тадбиркорлик субъектларига сотилган машина-трактор парклари ва “Туман МТП” ДУКларга Ўзбекистон Респуб-ликаси Президентининг 2016 йил 17 ноябрдаги ПҚ-2658-сонли “Ўзгортехсаноатхолдинг” акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг 14-банди билан “Ўзгортехмах” АЖ ва “Ўзгортехсервис” АЖ таш-килотлари учун белгиланган барча божхона, солиқ имтиёз-лари ва преференциялар, бўшаган маблағларни қарздор-лики ёпишга йўналтирган ҳолда, таътиб этилади.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоят ҳокимликлари экспериментнинг муваффа-қияли ўтказилиши учун шахсий жавобгарлик юклансин.

10. 2019 йилда “Туман МТП” ДУКларга қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб беришнинг мақсадли параметрлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

11. Махфий.

12. Экспериментда иштирок этувчи ташкилотларга қўйи-дагиларни таъминлаш тасвия этилсин:

машина-трактор парклари томонидан кўрсатиладиган ме-ханизация ва сервис хизматлари рўйхатини кенгайтириш, жумладан, юк ва энгил автотранспорт воситаларига ҳамда техниканинг бошқа турларига сервис хизматлари кўрсатиш-ни йўлга қўйиш;

машина-трактор парклари фаолиятига инвесторларни, жумладан, уларга хоналар, бино ва ишносларни ижарага бериш ҳамда машина-трактор парк хулуида биргаликда тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш йўли билан жалб қилиш;

тегишли машина-трактор паркларининг жиҳозларини мо-дернизация қилиш, шунингдек, меҳанизация ва сервис хиз-матларини кўрсатиш учун зарур бўлган жиҳозларнинг янги замонавий турларини сотиб олиш.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

2020 йил 1 январга қадар ўтказилган эксперимент нати-жалари бўйича машина-трактор паркларино бошқаришни ташкил этишнинг энг самарали шаклини қўлаш бўйича асосланган тақлиф киритсин;

2020 йилга Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюд-жетини шакллантиришда ҳосилдорлиги паст ерларга хиз-мат кўрсатуви “Ўзгортехсервис” АЖ машина-трактор парк-лари учун қишлоқ хўжалиги техникасини сотиб олишга субси-диялар ажратишни назарда тутсин.

14. 2018 йил 1 июлдан яқка тартибдаги тадбиркорларга қишлоқ хўжалиги мақсулотларини ишлаб чиқарувчиларга меҳанизация ва сервис хизматлари кўрсатиш фаолиятини амалга оширишга рўхсат берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Ўзе-кистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига қишлоқ аҳолисини қишлоқ хўжалиги мақсу-лотлари ишлаб чиқарувчиларга меҳанизация ва сервис хиз-матларини кўрсатиш бўйича фаолиятга жалб этиш бўйича кенг қамровли тушутириш ишларини олиб бориш, шунинг-дек, уларга ўз фаолиятларини ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатиш тасвия этилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси экс-перимент ўтказишда қўнучилика роя этилиши ҳамда дав-лат органлари мансабдор шахсларининг машина-трактор пар-клари, фермер хўжаликлари ва тадбиркорлик субъектлари-нинг қўнучий фаолиятига аралашиларига йўл қўйилмас-лиги устидан қатъий назорат ўрнатилишини таъминласин.

16. Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб бериш, таъмирлаш ҳамда меҳанизация ва сервис хизматлари-ни кўрсатиш бўйича шартнома мажбуриятларининг бажарили-ши устидан тизимли мониторинг ва жамоатчилик назоратини олиб бориш, уларнинг натижалари бўйича фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари манфаатларини қўлаб судларга даъво аризалари киритиш тасвия этилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўми-таси билан биргаликда қишлоқ хўжалиги техникаси ва улар эҳтиёт қисмлари нархларининг ҳақон қўнучикуртасини ўрга-ниш ва таҳлил қилиш асосида икки ой мuddатда Ўзбеки-стон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қўйидагилар бўйича аниқ тақлифлар киритсин:

қишлоқ хўжалиги техникаси учун импорт қилинадиган эҳтиёт қисмлари бевосита ишлаб чиқарувчилардан харид қилиш тизимини жорий этиш;

ўзаро манфаатли шартлар асосида Ўзбекистон Респуб-ликасида қишлоқ хўжалиги техникасининг янги илғор иш-лаб чиқарувчиларини жалб қилиш.

18. “Ўзгортехсервис” АЖ:

бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазир-лиги билан биргаликда “Ўзгортехсервис” АЖ ва унинг ташки-лотлари ҳодимларининг иш ҳақи фонди микдорини оши-риш бўйича аниқ чоралар кўрсин;

икки ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжа-лиги вазирлиги ҳамда Ахборот-технологиялари ва коммуни-кацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда реал вақт режимида меҳанизация хизматлари кўрсатишнинг ягона электрон ҳисобини юритиш ва мониторинг қилишни жорий этиш чораларини кўрсин, бунда ушбу тизимнинг “Ўзгортех-сервис” АЖ учун очик бўлишини таъминлашни назарда тутсин;

2019 йил 1 январига қадар тегишли ҳуқуқ ва мажбурият-лари “Ўзгортехсервис” АЖга ўтказган ҳолда ҳудудий “Агро-сервис МТП” МЧЖларни “Ўзгортехсервис” АЖ таркибига қўшиб юборишнинг мақсада мувофиқлиги тўғрисидаги масалани қўриб чиқсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 январдаги ПҚ-3459-сонли “Қишлоқ хўжалигининг техник жиҳозлашни даражасини янада ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг 12-банди ўз кучи-ни йўқотган деб ҳисоблансин.

20. “Ўзгортехсаноатхолдинг” АЖ манфаатдор вазирлик-лар ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда Ўзе-кистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

“Ўзгортехмах” АЖ ва “Ўзгортехсаноатхолдинг” АЖлар-нинг бир-бирини тақдорловчи функциялари ва тузилмала-рини, уларни бирлаштириш ҳамда “Ўзгортехсервис” АЖни “Ўзгортехсаноатхолдинг” АЖнинг ташкилий тузилмасидан чиқариш йўли билан оптималлаштириш тўғрисида;

қўнуч ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгар-тириш ва қўшимчалар тўғрисида тақлиф киритсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ху-сусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, “Ўзгортехсаноатхолдинг” АЖ, “Ўзгортехсервис” АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Ва-зирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари ҳар чоракда Ўзе-кистон Республикаси Президенти девонининг Ислохотлар-ни мувофиқлаштириш хизматига мазкур қарорнинг ижро ҳолати тўғрисида ахборот киритиб боришлар.

22. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбеки-стон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б.Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг бирин-чи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 29 май

Биринчи Президентимиз 2015 йил 5 майда “2015 – 2019 йиллар учун иқтисодиёт ва ижтимоий тармоқ соҳаларида энергия ҳажминини қисқартириш, энергияни тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Қарори қабул қилинган бўлиб, ушбу қарор ижросини таъминлаш доирасида жорий йилнинг 21 февралда “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамиятининг ҳамда 24 февралда Тошкент шаҳри бўйича газ таъминоти ҳудудий филиалининг тегишли буйруқлари қабул қилинди.

ЭСКИРГАН ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИ ЯНГИЛАРИГА
АЛМАШТИРИЛМОҚДА

Мазкур ҳужжатларга кўра, жорий йилнинг 26 май кунига қадар пойтахтимизнинг барча туманларида аҳоли ва улғуржи истеъмолчилардаги мазкур ностандарт энергияни тежаш талабларига жавоб бермайдиган, маънавий эскирган газ жиҳозларини аниқлаш ҳамда уларни замонавийларига алмаштиришни таъминлаш мақсадида аҳоли ва улғуржи истеъмолчилар газ жиҳозла-ри хатловини ўтказиш қўзда тутилган бўлиб, табиий газдан оқилонга фойдаланиш иччи гуруҳлари ташкил этилган ва улар ҳар бир туманда иш олиб бормоқда.

Хатлов натижалари бўйича ўтказиб бориладиган тақлифлар асосида истеъмолчиларда табиий газдан фойдаланиш қондалари бузилиши, жумладан, шартнома ва лойиҳа ҳужжатларидан ташқари газ жиҳозлари ноқўнун ўрнатилган ҳолатлар аниқланган тақдирда уларга нисба-тан белгиланган тартибда чоралар кўриш қўзда тутилган.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Тошкент шаҳри бўйича газ таъминоти ҳудудий филиалида замонавий, энергия

тежовчи истиш қозонлари ва иссиқ сув таъминоти жиҳозлари, газ асбоб-ускуналари кўргазмаси ташкил этилди. Унда Тошкент шаҳри бўйича газ таъминоти ҳудудий филиали ҳамда туман филиалларидан масъул ҳодимлар ва мутахассислар иштирок этди.

Тошкент шаҳридаги табиий газ истеъмолчиларида ўрнатилган истиш қозонлари ва иссиқ сув таъминоти ускуналари жорий йилнинг 22 май ҳолатига хатловдан ўтказилиб, 167867 та кичик самарадорликка эга бўлган ва ностандарт ускуналар аниқланган ҳамда уларни замонавий газ ускуналарга 2015-2019 йиллар давоми-да алмаштириш туманлар кесимида ишлаб чиқил-ган жадал асосида амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда Тошкент шаҳри бўйича 26541 донга ностандарт ва маънавий эскирган газ жиҳозлари за-монавийсига алмаштирилган ва ушбу тадбирлар да-вом эттирилмоқда.

Абдували СОДИҚОВ

КОНСТИТУЦИЙВИЙ СУД —
ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ
ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДА

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ва Европада ҳафсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори томонидан “Конституциявий суд – давлат ҳокимияти органлари тизимида: вазибалар ва истикболлар” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Унда парламент аъзолари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, вазирлик ва идоралар, илмий муас-сасалар, олий ўқув юртлири ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқа-ролик жамиятини қуришда қўнуч устуворлиги ва адо-латни таъминлаш муҳим вазифа ҳисобланади. Шу жи-хатдан, Конституциявий одил судлов демократик дав-латчиликнинг муҳим сифат белгисидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди суд ҳокимиятининг алоҳида тармоғи бўлиб, унинг фаолияти қўнуч чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳў-жатлари Конституцияга қанчалик мослигини назорат қилишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раи-си Б.Миробоев, Европада ҳафсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари коорди-натори катта маслаҳатчиси Ханс-Улрих Ихм ва бошқалар сўнги йилларда Ўзбекистонда қўнуч устуворлигини таъ-минлаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини том маънода ҳимоя қилишга қаратилган тизимли ислохотлар амалга оширилаётгани-ни таъкидлади.

Ушбу ислохотлар доирасида ягона Олий суд ташкил этилди, мазмуний ва иқтисодий судлар тузилди, судья-лар ҳамжамиятининг янги органи сифатида Судьялар олий кенгаши ўз фаолиятини бошлади. Буларнинг бар-часи фуқаролар, жисмоний ва юридик шахслар ҳамда тадбиркорларнинг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш қафолатларини қулайтирди.

Амалга оширилаётган ислохотлар фуқаролар ҳуқуқла-рини конституциявий одил судлов орқали ҳимоя қилиш соҳасини ҳам қамраб олди. Хусусан, Ўзбекистон Рес-публикаси Конституциясининг 108 ва 109-моддаларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Мазкур ўзгариш ва қўшимчалар асосида “Ўзбеки-стон Республикасининг Конституциявий суди тўғриси-да”ги янги қўнуч қабул қилинди. Тадбир иштирокчи-ларининг фикрларига кўра, ушбу қўнуч шубҳасиз фу-қароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлар қафолатларини яна-да мустаҳкамлаш ва ишончи ҳимоя қилиш ҳамда кон-ституциявий одил судловнинг роли ва аҳамиятини қу-чайтиришга хизмат қилади. Унга мувофиқ, Конституция-вий судга қўшимча ваколатлар берилди. Хусусан, Кон-ституциявий суднинг конституциявий қўнучлар, шунинг-дек, халқро шартномаларни ратификация қилиш тўғри-сидаги қўнучларни мамлакат Президенти имзолагани-га қадар Конституцияга мувофиқлигини аниқлаш вако-лати муҳим аҳамият касб этади.

Дунё амалиётда Конституциявий одил судловнинг уч модели мавжуд, — дейди Олий Мажлис Қўнучлик палатаси қўмита раиси Акмал Саидов. — Мамлакатимиз-да Конституциявий одил судловнинг иккинчи модели, яъни Европа услуби қўлланилади. Шу билан бирга, ушбу моделнинг ҳорижий мамлакатларда қўлланилаётган баъ-зи жиҳатларини ўзимизнинг амалиётга ҳам жорий этаск мақсада мувофиқ бўлади. Жумладан, Европа мамла-катларида Конституциявий шикоят деган тушунча бор. Аксарият давлатларда фуқаролар Конституциявий судга мурожаат қилади. Шу сабабли бизнинг амалиётга ҳам фуқароларнинг Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқини киритиш керак деб ўйлабман.

Давра суҳбати давомида Конституциявий суднинг дав-лат ҳокимиятининг қўнуч чиқарувчи ва ижро этувчи орган-лари, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтлар ва нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорли

ФУҚАРОЛАРНИНГ МАНФААТЛАРИ ДОИМО ЭЪТИБОРДА

Бугун мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг яхши яшаши ва фаровон турмуш кечиришига эришиш, жамиятдаги қонунбузарлик, адолатсизликка чек қўйиш, уларнинг олдини олиш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Ана шундай бир шароит, ўрнатилган тартибга қарамай қинғир ишга қўл уриш, мўмай даромад кўраман деб ноқонуний йўл тутиш, нафақат ўзимиз, балки оиламиз фаровонлигию фарзандларимиз келажагига салбий таъсир этилиши англаб етмоқ лозим.

Белгиланган, қабул қилинаётган қонун, қарорлар аввало инсон манфаатларини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятли.

Шу боис жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш жиноятлари бўйича терговга қадар текширув ўтказиш хусусияти ҳақида сўз қилишнинг лозим деб топилди.

Жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш жиноятлари, асосан иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг тергов қилиш даврида суриштирув органлари билан олиб бориладиган ҳамкорлик натижасида аниқланганлиги сабабли улар юзасидан текширув олиб бориш ҳам бевоқифа ушбу жиноят ишнинг таркибида олиб борилади. Масалан, сўроқ давомида шахс ўғирлик натижасида қўлга киритган мулкни ишлатилган буюмлар олди-сотдиси билан шугулланганидан шахсга олиб бориб сотганлигини баён қилса, ушбу шахсни аниқлаш бўйича суриштирув органларига ёзма топшириқ берилади. Ушбу ҳаракат суриштирув жараёнида ёхш терговчи томонидан олиб борилган тергов ҳаракатлари натижасида шахснинг жиноятга алоқадорлиги аниқланса, у жиноят ишнинг ушбу шахсга нисбатан бўлган қисмига қўшимча жиноят сифатида қаралиб, шу жиноят иши таркибида тергов қилинади.

Бизнинг фикримизча, бундай вазиятда жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш ҳолати юзасидан алоҳида терговга қадар текширув ҳужжатларини тайёрлаш ва жиноят иши қўзғатиш ёки жиноят иши қўзғатишни рад этиш масаласини ҳал қилиш лозим.

Жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш ҳолати ҳақидаги маълумотларни терговга қадар текшириш қисқа вақтда ўтказилиши лозим. Жиноят ишнинг қўзғатиш олдидан терговчи томонидан ЖПКнинг 329-моддаси тартибида дастлабки текширув ўтказилиши ва ҳодиса жойи кўздан кечирилиши керак.

Шу ўринда жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш ҳақидаги хабарда ёки жиноят иши бўйича сўроқ қилиш натижасида олинган маълумотлар кўрсатилган бўлиши лозим ҳижатларга эътибор қаратаск:

– Жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш жойи ва вақти; шахсга ушбу мол-мулкни жиноий йўл билан топилганлиги тўғрисида айтилган ёки айтилмаганлиги; мол-мулкнинг белгилари ва нархи.

Терговчи жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш ҳақидаги маълумотларни текшириш жараёнида икки хил типик вазиятга дуч келиши мумкин: Биринчиси, шахснинг жиноий йўл билан топилган мулкни олганлиги ёки ўтказганлиги белгиларини кўрсатувчи маълумотларнинг етарлилиги. Иккинчиси, шахснинг жиноий йўл билан топилган мулкни олганлиги ёки ўтказганлиги белгиларини кўрсатувчи маълумотларнинг жиноят ишини қўзғатиш учун етарли эмаслиги.

Бу жараёнда жойини кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказиш ёки ўтказмаслик масаласи терговчи томонидан мавжуд тергов вазиятидан келиб чиққан ҳолда ҳал этилади. Бу ҳолат жиноят содир этилиши, ва аниқланиши ўртасида ўтган вақт билан боғлиқ бўлади. Агарда жиноят содир этилганидан анча вақт ўтди аниқланса, у ҳолда ҳодиса содир бўлган жойини кўздан кечириш ўзининг ижобий натижасини бермаганлиги сабабли ўтказилмайди.

Агар жиноят содир этилганидан кейин узоқ вақт ўтмасдан аниқланган бўлса, ҳодиса содир бўлган жойини кўздан кечириш содир этилган жиноят тўғрисида маълумот олишнинг энг муҳим усули ҳисобланади.

Кўздан кечириш пайтида нафақат жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш содир этилган жойини, балки унга туташиб бўлган бошқа жойларни ҳам текшириш зарур, чунки шу жойларда жиноят ҳолатини тасдиқловчи бир қатор маълумотлар олиниши мумкин.

Кўздан кечиришни бошлаш пайтида илмий-техник воситалар ёрдамида ҳодиса содир бўлган жойнинг шароитларини фото ёки видеосуратга олиш асосида қайд этиш, иш бўйича аниқланган изларни ва бошқа ашёвий далилларни олиб қўйиш, ҳолислар иштирокида талаб даражасида ўраб, муҳрлаш керак бўлади.

Инсонга бир марта бериладиган ҳаётда тўғри йўлдан адашмаслик, ўз келажаги учун бефарқ бўлмаслик муҳим. Жиноятчилик, унинг олдини олиш эса барчанинг бурчи эканлигини унутмаслик лозим.

М.ХИДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ
Академияси 418-гуруҳ курсанти

Ҳеч ким дунёга жиноятчи бўлиб келмайди. У эътиборсизлик оқибатида, яъни нотўғри тарбия, носоғлом муҳит ва омиллар таъсирида номақбул ишларга қўл уриши мумкин. Шу маънода, одамларга содир қилинган ҳуқуқбузарлик ва ижтимоий хавфли қилмишлар учун жазонинг муқаррарлиги, уни тайинлашдан кўра, шу қилмишнинг салбий иллат эканлигини, оғир оқибатларга олиб келишини аниқлаш фойда муҳимдир.

Шу боис ислохотларнинг янги босқичида суд-ҳуқуқ органлари фаолияти тубдан ислох қилинмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан, энг аввало, суднинг тарбиявий ролини қучайтириш, унинг фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш, суд ҳукмларини қабул қилишда жамоатчилик фикрини инобатга олишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Зеро, суд ишларидан кўзланган асосий мақсад судланувчини тарбиялаш, уни тўғри йўлга солиш, пировардида жиноятчиликнинг олдини олишдир.

Президентимизнинг 2018 йил 14 февралдаги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги Қарори ушбу йўналишдаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш, инсон манфаатлари ҳимоясини тўла-тўқис рўйбга чиқаришга хизмат қилаётди. Чунки ушбу ҳужжатда жамоат тартибини сақлаш, авваломбор, вояга етмаган ва ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмаларнинг бузувчи таҳдидларини барвақт аниқлаш бўйича яқдил ҳаракатларни, уларни ҳамкорликда ва сифатли бартараф этилишини таъминлаш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Шундан келиб чиқиб, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яккасарой тумани суди томонидан муайян ишлар амалга ошириляпти. Бунда тумандаги ҳар бир сектор, маҳалла фуқаролар йиғинлари, Ёшлар иттифоқи туман кенгаши, хотин-қизлар кўмитаси ва бошқа идоралар билан мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилгани айтиш мумкин.

Дарҳақиқат, ички ишлар бўлими кўмагида криминаген вазият, ижтимоий ва иқтисодий аҳвол таҳлил қилиниб, вазият мураккаб бўлган, ҳуқуқбузарлик ва жиноят нисбатан кўп содир этилаётган маҳаллалар ажратиб олиниб, аниқ

МАҚСАДИМИЗ ЎЗ ВАҚТИДА ЖИНОЯТНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

манзилли иш олиб бориляпти. Яъни жиноятчиликка мойил бўлган шахслар ва оилаларнинг шартли рўйхати шакллантирилиб, уйма-уй юриб, аҳоли билан юзма-юз мулоқот қилинмоқда. Шу аснода агрессив ҳулқ-атворга эга, ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка берилган, диний экстремистик оқимга мойил фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш, моддий ва маиший муаммоларини ҳал этишда кўмаклашиш, улар томонидан жиноят содир этилишининг олдини олишга қаратилган амалий чора-тадбирлар кўриляпти.

Бундан ташқари, таълим муассасаларида назоратда турган ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари иштирокида “Жаҳолатга қарши маърифат” мавзусида давра суҳбатлари ўтказиш аниқлашга хизмат қилаяпти. Шунингдек, ҳуқуқбузарлик ҳолатларини келтириб чиқарадиган масалаларни бартараф этиш мақсадида мутасаддилар иштирокида ҳар бир маҳалладан аҳоли билан учрашувлар ўтказилаяпти. Бундай тадбирларда маҳалла раислари низоли оилаларни яраштириш, ҳудудда тадбиркорлиқни ривожлантириш юзасидан ташаббусларни илгари сураётган бўлса, дав-



ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтида “Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоат назорати механизминини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш” мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди, дея хабар беради ЎЗА.

Анжуманда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар давлат суверенитетини, хавфсизлигини, миллатлараро тотувлигини янада мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, қонун устуворлиги ва суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш учун зарур шароитларни яратишда асосий омил бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

“Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати институтига конституциявий-ҳуқуқий мақом беради ва бу юртимизда мазкур назорат турини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 5 майдаги “Инсон ҳуқуқлари

умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 70 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида”ги Фармони юртимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашга оид ташкилий-ҳуқуқий чораларни давр руҳига ҳамоханг йўлга қўйиш имконини бермоқда.

Анжумандан кўзланган мақсад Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ихроси, мазкур қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишдан иборатдир.

Бу борада Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти профессор-ўқитувчилари кенг қўламли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 70 йиллигига бағишланган туркум рисоалар, ўқув қўлланмалар тайёрланди.

Н.УСМОНОВА

лат солиқ идоралари вакиллари тадбиркорлик субъектларига солиқ қонунчилигидаги энгилликларни тушунтириш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарзи бўлган шахслар тоифасини аниқлаш ва уларга амалий ёрдам бериш, имтиёзларни қўллаш борасида яқиндан кўмак беришга алоқадорлик сазовордир.

Таҳлиллар аксарият ҳолларда ҳуқуқбузарликларга мўлҳим бир жойда ишламайдиган шахслар томонидан қўл урилганини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳуқуқбузарликни келтириб чиқарадиган ушбу ижтимоий масалани ҳал қилиш мақсадида Бандликка кўмаклашиш маркази билан биргаликда аниқ манзилли чора-тадбирлар кўриляпти.

Ҳап шундаки, марказ вакиллари ёрдамида маҳаллалардаги ишсизлар рўйхати асосида улар билан яқна тартибда иш олиб борилмоқда. Мунтазам равишда меҳнат ярмаркалари ўтказилиб, мавжуд бўш иш ўринлари тақдим этиляпти. Шу билан бирга, ишсиз шахсларни бирор касбга ўргатиш, касаначилик асосида ишга жалб этиш чоралари кўрильмоқда. Бу эса Президентимиз томонидан “Инсонни тарбиялаш учун бутун жамият ҳаракат қилиши, авваломбор, жиноий ҳолатларни туғдирадиган сабаб ва омилларни ҳаётимиздан бартараф этишимиз керак. Барчамиз биргаликда шу ишга ҳисса қўйишимиз керак”, деган ҳаётий талабнинг амалий тасдиғидир.

Таъкидлаш керакики, жиноят ишлари бўйича Яккасарой тумани суди томонидан юқорида таъкидлаб ўтилган қарор қабул қилингандан буён ўтган қисқа давр ичида 60 дан зиёд сайёр суд мажлислари ўтказилди. Натижада жамоатчилик фикри инобатга олиниб, 80 га яқин жиноят ишлари бўйича хусусий ажримлар чиқарилди.

Туман суди судьялари томонидан эса “Менинг маҳаллам — менинг судьям”, “Суд ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар”, “Диний экстремизм” ва бошқа мавзулар бўйича аҳоли билан доимий равишда учрашувлар ўтказилмоқда. Буларнинг барчаси суд-ҳуқуқ соҳасини тубдан ислох қилиш, Конституцияимизда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган тизимли ишларнинг юксак самараларидир.

Ҳ.ҲАИТОВ,
жиноят ишлари бўйича
Яккасарой туман суди раиси

Хабарлар

“ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ”ГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИРЛАР

Беғубор болалик онларимизни ҳар биримиз ҳар доим ёдимизда сақлаймиз. Ҳар сафар ёшлигимизни эсга олар эканмиз, ўша даврга қайтгимиз келаверади. Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан байрамга қизгин тайёргарлик кўрилмоқда.

Жумладан Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан 31 май куни “Локомотив” истироҳат боғида, 1 июнь куни Гафур Ғулом номидаги истироҳат боғида ва 2 июнь куни “Тошкентленд” болалар истироҳат боғида “Хар бир болага меҳр, эътибор!” шiori остида катта тадбирлар ташкил этилади.

Унда турли хилдаги спорт ўйинлари, беллашувлар, кўнгилчор томошаларнинг ташкил этилиши режалаштирилган. Бундай тадбирларни уюштиришдан асосий мақсад, уларга келадиган ёш авлодни келажақда маънан бой, жисмонан соғлом ва ахлоқан пок бўлиб вояга етказишдир. Ватан меҳри эса ҳамisha унга куч-қувват бағишлайди.

Зеро, ёшлар — юртимиз келажагининг пойдевори. Шундай экан, уларни Ватанга садоқат, миллий қадриятларга муҳаббат, ота-онага ҳурмат руҳида тарбиялаш бугунги куннинг устувор вазифаларидан биридир.

Қолаверса, ёшларнинг онгига маънавий бўшлиқ қолдирмаслик мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ташкил этилаётган китобхонлик кўргазмалари, турли тасвирий санъат ва спорт мусобақалари пойтахтимиз ёшлари ва меҳмонларида катта таассурот қолдирмоқда.

“Хар бир болага меҳр, эътибор!” шiori остида ўтказиладиган ҳафталикдан кўзланган мақсад ҳам юқоридаги фикрларимизнинг тасдиғидир.

Албатта бу каби маънавий-маърифий тадбирлар ёшларни бузуқчиликка, зўравонликка асосланган турли хил ёт гоғлар таъсирига тушиб қолишдан асраш ва уюшмаган ёшларни маълум бир мақсад йўлида бирлаштириш, бугунги тезкор замонда интернетдан тўғри фойдаланиш, фарзандларимизга ёшлардан касб-хўнар ўргатиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга қаратилган.

Азиз болажонлар, меҳрибон фарзандларимиз, беғубор жажжи дўстларимиз Тошкент шаҳар ҳокимлиги барчангизни, сиз учун тайёрланаётган бир-биридан аjoyиб байрам кечаларимизга таклиф қиламиз!

“БИЗ ИХТИРОЧИМИЗ” КЎРИК-ТАНЛОВИ СОВРИНДОРЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Бугун пойтахтимизда ёшларнинг тарбияси, ўқиш жараёнилари ва изланишларини қўллаб-қувватлаш, ёш иқтидор эгаларига барча шарт-шароитларни яратиб бериш, имкониятлардан унумли фойдаланаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида турли тадбирлар ташкил қилинмоқда.

Ушбу тадбирлар 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда “Фаол тадбиркорлик, инновацион гоғлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” Давлат дастури ихросини таъминлаш мақсадида амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Чилонзор туман Кенгаши ташаббуси билан Чилонзор туман ҳокимлигида таълим муассасаларидаги иқтидорли ёшлар ижодкорлигини қўллаб-қувватлаш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, ушбу қатламдаги ёшлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш мақсадида, умумий ўрта таълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хўнар таълими муассасаларида таҳсил олувчи иxtиpочил ёшлар иштирокида “Биз иxtиpочимиз” кўрик-танлови ўтказилди.

Унда 100 дан ортиқ ёш иxtиpочилар ўзларининг амалий ишлари билан иштирок этишди. Танлов катнашчиларнинг салоҳиятини малакали мутасассислардан ташкил топган ҳакамлар ҳайъати жамоаси баҳолаб боришди. Ёш иxtиpочилар лойиҳанинг инновационлиги, лойиҳанинг имкониятлари ва амалиётда қўлланилиши, лойиҳанинг натижадорлиги каби мезонлар бўйича ўзаро беллашдилар.

Иxtиpочилар орасидан Муҳаммадмин Умаров, Жавлон Турғунов, Ҳасанали Умталиевларнинг ишлари юқори баҳоланди ва улар биринчи ўринни қўлга киритишди. Тадбир сўнггида иштирокчиларга ташаккурнома ва рағбатлантирувчи совғалар топширилди.

“ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ АВЛОД” ФЕСТИВАЛИ ЎТКАЗИЛДИ

Кеча Ўзбекистон миллий академик драма театри “Юксак маънавиятли авлод” фестивалининг Тошкент шаҳар босқичи голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хўнар коллежлари ҳамда олий ўқув юртилари ёшлари иштирокида ўтказиб келинаётган “Юксак маънавиятли авлод” фестивали ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширибгина қолмай, уларнинг иқидий салоҳияти, изланишларини қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Фестивалнинг шаҳар босқичида ёшларимиз ўзларининг маънавий-маърифий, маданий, санъат, таълим ва инновацион гоғлар соҳаларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг мазмун-моҳиятига оид билим ва тафаккурни ва ижтимоий фаоллигини намойиш этишди.

Фестиваль доирасида “Президент асарлари билимдони”, “Мустақиллик тарихи билимдони”, “Энг иқидорли хунарманд”, “Ўз асарларида миллийликни акс эттирган расом ва дизайнер”, “Ватан қўйичиси”, “Юксак маънавиятли авлод” ҳамда “Бадий ижод” номинациялари бўйича танлов голиблари тақдирланди.

Тадбирда, ёшлар ўртасида бадий асарларнинг ҳаётиимиздаги ўрни ва аҳамиятини тарғиб қилиш орқали уларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, китобхонлик маданиятини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, мустақил ва эркин фикрга эга истеъдод эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги эътироф этилди.

(Ўз мухбиримиз)



12345